



# ХАБАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 5 декабрь № 49 (277) ●

Сотувда нархи эркин

## ХАЙЪАТ ЙИФИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев бошқарди.

Хайъат йиғилишида «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси бош директори Р. Э. Зиқиров республика почта алоқа хизматини ривожлантириш йўналишлари ҳақида маъруза қилди. Маърузачи почта алоқасини ривожлантириш концепциясининг қуйидаги — бошқариш тизимини такомиллаштириш, маркетинг ва тижорат хизматини ташкил этиш, техника воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш, ҳисоб-китоб ва назоратни кучайтириш, замонавий иқтисодий таҳлил ва режалаштиришни йўлга қўйиш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби асосий йўналишларини айтиб ўтди. Биринчи навбатда транспорт муаммосини ҳал қилиш, компьютерларни кенг миқёсда жорий этиш, пул маблағлари ва техника воситаларини зиб-захматсиз сақлашни таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш тавсия қилинмоқда.

Мазкур масала юзасидан бўлган музокараларда бошқа тақлифлар ҳам билдирилди. Жумладан, почта хизматидан фойдаланган микозларга энг қулай шароитларни яратиш ва шундан келиб чиққан ҳолда келгуси вазифаларни белгилаш каби тақлифлар ҳам ўртага ташланди. Хайъат қабул қилган қарорда «Ўзбекистон почтаси» ДАК зиммасига қўрилган масала бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга тавсия этиш топширилди.

Алоқа маҳсулотлари ва хизматини сертификатлаштириш масаласи бўйича агентликнинг лицензиялаш,

сертификатлаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи А. Сувоновнинг ахбороти тингладни ва тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, хайъатда Оролбўйи минтақасида япон кредити бўйича телефонлаштириш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Ушбу минтақани телефонлаштиришга ОЕСФ япон жамғармасининг 12,7 миллиард япон иени микродоридаги маблағи ажратилган эди. Мазкур масала бўйича «Махаллий Телеком» акционерлик компаниясининг бош директори Т. Ҳ. Раҳимов сўзга чиқиб, Қорақалпоқiston Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари теле-

коммуникация тармоғини тараққий эттириш билан боғлиқ ишларни тезликда бажариш зарурлигини айтди. Лойиҳада 88 та алоқа иншоотини қуриш мўлжалланган. Жумладан, тўртта халқаро станциялар, 251 минг рақамли маҳаллий АТСлар, 1919 километра шиша толали алоқа ва радиорелели линиялар бунёд этилади.

1996 йили халқаро танлов (тендер) ўтказилиб, унда Япониянинг «Мицуби» ва Германиянинг «Телепорт» фирмалари гўлиб чиққан эди. Шундан сўнг шартномалар имзоланди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва зарур биналар тайёрлаш қўйилди. Алоқа асбоб-ускуналари ва бош-

қа материалларни келтириш бошланди. Қўллаб иншоотларда канализациялар тайёрлаб қўйилди. Бу ишлар ҳозирданок ўз натижаларини бераётди. Хивада 8 минг рақамли АТС, Бухорода 10 минг рақамли АТС бунёд этилди. Урганч-Хива йўналишида шиша толали кабел ётқизилди. Аммо ҳозирча қурилиш ишларини олиб борадиган бош пудратчи масаласи ҳал бўлмаётди турибди. Бош пудратчи сифатида иш юритишга «Алоқанвест» ҲЖ ва шаҳарлараро алоқа қурилиш корхонаси хоҳиш билдиришган. Уларнинг тақлифлари қайта ўрганилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Хайъат ОЕСФ кредити бўйича бажариладиган ишларни муваффақиятли олиб бориш учун зарур чора-тадбирларни белгилади.

К. ТўЛАГАНОВ

Олдин хабар берганимиздек, шу йилнинг 29 ноябрь куни ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Алоқа» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда банк молиявий-ҳўжалик фаолиятининг 9 ойлик иш якунлари қўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича «Алоқабанк»

унга барча почта корхоналарини жалб қилиш лозимлигини ўқитди. Тармоқдаги қўллаб корхоналар, жумладан қўшма корхоналар ҳам халигача ушбу банкка аъзо бўлишмаган. Банк мана шунга эътиборни қаратиб, соҳа корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурдир. «Алоқабанк» ало-

## ЙИФИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

бошқарувининг раиси К. А. Ким маъруза қилди. Банк бошқаруви раисон ўтган муддатда банк эришган ютуқлар ҳамда муаммолар тўғрисида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққанлар «Алоқабанк»да ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳақида фикр юритишди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев банк қўлга киритган ютуқлардан қувониб, хотиржамликка йўл қўйиб бўлмастлигини айтди. Агентлик Бош директори банк бўлимларини нафақат вилоят марказларида, балки шаҳар ва туманларда ҳам ташкил этиб,

қа хизмати бўйича дебитор қарзларни ундириш борасида ҳамон бошқа банклар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўймаган. Фақат алоқа корхоналарига кредит бериш билан чекланмай, тижорат, хусусий корхоналарга қарз бериш масаласини ҳам ўйлаб қўриш керак.

— Имкониятлар кўп, — деди А. Ҳ. Жўрабоев, — улардан оқилона фойдаланиш даркор.

Йиғилишда «Алоқабанк»нинг иш якунларига доир ахборотлар маълумот учун қабул қилинди. Банк кенгаши тарихидаги баъзи ўзгаришлар тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз

«Сирдарётелеком» ҳиссасдорлик жамияти бош муҳандиси С. Умаров бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассис-муҳандислар — Г. Галиева, В. Кан, К. Хужабоевалар вилоят бўйича ҳозирги кунда ишлаб турган барча турдаги алоқа линияла-

зилиб, компьютерларга киритилди. Энди «Сирдарётелеком» ҲЖ бўйича барча турдаги алоқа ҳисоботлари қоғозларда ва папкаларда эмас, балки компьютер хотирасида сақланади.

Туман ва шаҳар бўлимларида компьютерлар урнатилиб,

## ШЛК ҚАДАМ

ри ва қўрилмалари учун янги — 63 турдаги паспортлар ишлаб чиқди.

Янги паспортлар энг чекка қишлоқдаги абонент линиясидадан тортиб то шаҳарлараро магистрал кабелларгача ва энг кичик аппаратдан то йирик АТС — АМТСларни ўзида акс эттиради. Қисқаси, алоқа бўйича ҳеч бир элемент четда қолмайди. Бу ахборотлар барчаси тулпангач, дастурчи-муҳандислар томонидан дастур ту-

вилоят марказидаги марказий компьютерга модем алоқаси орқали боғланади. Керакли ахборотларни тўғридан-тўғри вилоятдаги туман ёки шаҳар билан боғлианиб, ҳеч қандай муаммосиз тез ва соз топиш мумкин. Бу бизнинг дунё талабларига жавоб берадиган қоғозсиз иш юритиш йўлидаги илк қадамимиздир.

Абдуғафур ХОТАМОВ,  
жамоатчи мухбиримиз,  
Сирдарё вилояти



Сайёра ХАМРОҚУЛОВА Жиззах шаҳар электралоқа тармоғининг энг жонқуяр телефончиларидан биридир. У ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажаришга одатланган.

Б. ТОШМАТОВ олган сурат

## АЗИЗ МУШЦИЛАРИМ!

Алоқа хизматидagi муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг захматқаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

### ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:  
1 ойга 43, 6 ойга 258,  
12 ойга 516 сўм.  
Нашр кўрсаткичи: 227

Ташкилот ва корхоналар учун:  
1 ойга 82, 6 ойга 492,  
12 ойга 984 сўм.  
Нашр кўрсаткичи: 228

## ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМА

«Булоқбоши тумани почта алоқа боғламасининг 50 нафарлик жамоаси «Хабар» газетасига тўлиқ обуна бўлди.

Боғлама бошлиғи М. ОРЗИЕВ.

«Ангор почта алоқа боғламаси жамоаси «Хабар» газетасига 145 нусхада обуна бўлишди. Обуна давом этмоқда.

Гулнора БУРҲОҶОНОВА.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Сазими парламенти раиси Алфредс Чепанисни қабул қилди.

• Матбуотда «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

• Москва яқинидаги Завидовода Россия Президенти Борис Ельцин билан ГФР канцлери Гельмут Коль ўртасида норасмий учрашув бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатлар, хусусан иккинчи жаҳон уруши пайтида Россия томонига ўтиб қолган санъат асарларини Германияга қайтариш, НАТОнинг Россия билан муносабатлари ва бошқа халқаро масалалар муҳокама этилди.

• Малайзия пойтахтида «Лима-97» авиация ва денгиз техникаси халқаро кўргазмаси очилди. Унда Тошкент авиация бирлашмасининг ИЛ-114 ва ИЛ-76Д самолётлари ҳам намойиш этилмоқда.

• Румин халқи миллий байрами — Руминия миллий кунини нишонлади. 1918 йилнинг 1 декабрида ягона румин давлатини шакллантириш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ушбу кун умуммиллий байрам сифатида нишонланиб келинмоқда.

• АҚШда россиялик ишбилармон, «Рус олтини» компаниясининг раҳбари Александр Таранцев хибсага олинди. Қамоққа олиш пайтида А. Таранцевнинг қўлидаги тилла соат ва узуқларининг қиймати 2 миллион доллардан кўп эканлиги маълум бўлди.

• Танқид

# МАҚТАГАНИ ШУ БЎЛСА...

Ҳамроҳим — Ҳоразм вилояти электралоқа корхонасининг масъул ходими Умиджон билан Шовот тумани электралоқа боғламасига етиб келганимизда бино олдидан уч киши узаро суҳбатлашиб туришарди.

Боғламага кирверишда катта-катта ҳарфлар билан ёзилган, узокдан кузга яққол ташланиб турган «ТУХТА! РУХСАТНОМАНГ БОРМИ?» деган ёзувга кузим тушди. Бирон ҳарбий завод ёки махфий иншоотга келиб қолдикми деб ҳайрон бўлдим. Яхшиямки боғлама биносига кирверишда «Ҳоразм вилояти Шовот электралоқа боғламаси» деган ёзув бор экан. Шу кунни эрталаб вилоят электралоқа корхонасида Хива шаҳри, Қушқуписр ва Шовот туманларига боришимиз келишиб олинган, шу ҳудуд электралоқа раҳбарлари бу ҳақда оғоҳлантирилган эдилар.

Учқовлари Умиджон билан қуюқ сурашишларидан уларнинг корхона ходимлари эканликларига шубҳа қилмасам ҳам буларди. Улар ҳам мени билишган бўлсада, «Хабар» газетасидан эканлигим ва келишдан максалдини тушунтирдим. «Ҳеч ким йўқ. Бошлиқ ҳам йўқ», деди урта буйли, қорачадан келган йигит. «Қани, ичкарига кирайликчи?» — дедим мен. Йигит ноилҳода йўл бошлади. Ичкарига киргач, эшикка «Бош муҳандис» деб ёзиб қуйилган хонанинг эшигини очди. «Хайрият, бош муҳандис узидан экан-ку» дедим ичмада қувониб.

Йигит бориб, хонанинг турига утирди. Шундангина унинг Шовот тумани электралоқа боғламасининг бош муҳандиси эканлигини билдим. Исми-шарифларини сураган эдим, «Сафарбой Шерзонов» деб жавоб

берди. Сафарбой узининг амал курсисига утиргач ҳам «ҳеч ким йўқ» дея яна боғий гапни такрорлади. Бош муҳандис билан мулоқот тугади. «Бошлиқ йўқ бўлса, ақалли навбатчи ходимлар бўлиши керак-ку? Ахир бу ерда АТС, телеграф, шаҳарлараро телефон каби узлуксиз ишлайдиган хизматлар бор-ку? Қани, АТСни курайликчи?» дедим. Сафарбой истамайгина бинонинг иккинчи қаватига бошлади. У билан бино олдидан суҳбатлашиб турган кишилар ҳам бизга ҳамроҳ бўлишди. Кроссга кирганимизда навбатчи қундалик жорий ишлар билан машғул эди.

Мен навбатчи билан салом-алиқ қилиб, энди ени дафтариمنى олган эдимки, Сафарбой уша кучада ўзи билан гаплашиб турган кишиларни суратга тушира қолишимни айтиб қолди. Маълум бўлишича, улар шу корхонанинг электромантурлари бўлиб, бири 27 йилдан буён ишлаб келаётган Бахтиёр Давлатеров, иккинчиси ҳам корхонанинг етакчи мантурларидан экан. Бу ерда ҳам саволларимга Сафарбой истар-истамас жавоб берди, суҳбатимиз қовушмади. Вазиятни узгаритириш учун:

— Шу экин орада тақсимловчи шкафингиз борми? Булса, мантурлардан бирини шкаф олдидан суратга тушира қолай, — дедим.

— Бор, кучанинг шундай нариги томонидан — жавоб берди Сафарбой.

— Шкафингиз техникавий ҳолати яхшими? — сурадим бир нарсани сезгандек.

— Жуда яхши аҳволда! — қатъий жавоб берди Сафарбой.



Кучага чиқдик. Шкаф ҳақиқатдан ҳам катта йўл бўйида, боғлама биносининг рубарубида экан. Шкафга кузим тушишда Сафарбой яна бир бор ҳазиллашгани чамаси деб ўйладим. Шкаф симетричнинг егоч қисми олинби, ерга қумилганича қолиб кетган темир-бетон приставкасига тегиб турар, иккони сым билан узаро боғлаб қуйилган эди. Шкаф приставкани ушлаб турибдими ёки приставка шкафни ушлаб турибдими — аниқ айтиш қийин эди. Шкафга унинг на тартиб рақами, на боксларнинг

рақами ёзилган. Шкафининг уртасида магистрал бокс туриши керак бўлган ерда газ перчаткаси монтаж қилинган. Ундан боксларга кетган кабеллар жуда ночор аҳволда. Наридан бери қилинган кроссировкалар, бокс ва плитларни қалин чанг билан қопланиб етиши, шкаф буюкларни кучиб тушган жойларнинг занглай бошлагани экин орада профилактика ишлари олиб борилмаганидан далолат бериб турибди. Бош муҳандисга шкафгаги камчилик ва нуқсонларни санаб бергач, «Сафарбой, бу ени қандоқ бўлди? Агар энг яхши шкафингиз шу бўлса, бошқалари бундан ҳам ҳароб экан-да? Фаёлат босиб, шу шкафингизни «Шовотнинг намунади шкафи» деб газетда бериб юборсак, республикамиз алоқачилари олдидан мухбир ҳам, газета тахририяти ҳам, туман электралоқа боғламасининг бош муҳандиси сифатида узингиз ҳам қай аҳволга тушиб қолдингизни бир уйлаб қурдингизми? Бу яна қанақа ҳазил бўлди?» дедим. Сафарбой жавоб беролмай қолди.

Алоқачи ва мухбир сифатида жуда кўп алоқа корхоналарида бўлганиман. Тўғри, ҳамма алоқа кор-

хоналарида бинонинг алоқа техникаси урнатилган қисмига беғоналарнинг кириши таъқиқланади, лекин жуда муҳим алоқа иншоотларида ҳам «Тухта! Рухсатноманг борми?» деб, катта-катта ҳарфлар билан ёзилган ҳолларни учратмайсиз. Балки бу ёзувлар ҳам Сафарбойнинг ҳазилдир. Ҳар қалай, ҳаққимиз «хондон соҳибининг феъл-атвори унинг остонасидан билдилади» деб беғиз айтмаган. Телефонни ёки радионуқтаси ишлемай қолган жойларда шу масалани ҳал қилмай, унлаб километр масофадан туман марказига, аниқроғи туман электралоқа боғламасига умид ва ишонч билан келган абонентлар бу ёзувни кургач, дардларини ҳеч кимга айтмай қайтиб кетишлари керакми? Дарвоқе, боғлама тасарруфидоғи барча алоқа техникасининг ҳолати ва меъёрида ишлагани масъул бўлган бош муҳандис ҳузурига кириш имконини берувчи уша рухсатнома қаерда берилади?

Балки абонентлар аввал Урганчага бориб, вилоят электралоқа корхонасидан рухсатнома олишлари лозимдир...

Нима бўлганда ҳам аҳолига хизмат курсатувчи корхонанинг уз мижозларига шу тарздаги муносабати оддий, инсоний олобдана эмас. Шовот тумани электралоқа боғламаси раҳбарларининг масъулиятсизлиги боис муаммолар на ҳақматқаш алоқачилар (бундай одамлар борлигига ишончим лозим) билан қўнғилдагидек таниша олмаганимдан афсусланаман, ҳолос.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,  
«Хабар»нинг махсус мухбири,  
Ҳоразм вилояти

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин АСОСИЙ ҚОНУН ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 5 йиллигини байрам қилиш арафасидамиз. Бу йил Ўзбекистон Президентини томонидан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган. Республика Конституцияси эса бунга ҳуқуқий асосдир. Асосий қонунда ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунларда инсон манфаатлари ҳам иқтисодда, ҳам сиёсатда ўз аксини топган ва топмоқда. Республикада истиқомат қилаётган ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш билан бирга, ёлланби ишлаётган барча фуқоролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг энг кам муддати «Меҳнат кодексидан» 15 кун қилиб белгиланган. Бундан ташқари, корхоналарда узоқ ишлаганди ва зарарли ишлар учун қўшимча таътиллари белгиланган ва ходимларнинг ишга бўлган лаёқатини тиклаш, тиббий ёрдам олишлари учун моддий ёрдам ҳам берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилинди ва ижро этиш учун ҳокимият ва бошқаруving ҳамма тизмларига юборилди. Уларга жойларда

зарур тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланган.

Президент фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилди. Унинг тизимидаги корхоналар эса акциядорлик жамиятларига айлантирилиши ёхуд мулк эгалигининг ўзгартирилиши муносабати билан ходимлар сони қисқартирилди. Иш ўринлари қисқарган ходимларга «Меҳнат кодексини» ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун асосида ишдан бўшатилиш нафақаси ва модий мадад берилди, ишсизликдан ҳимоялаш чоралари қўрилди. Марказий Осиёда ягона алоқачи муттаҳассислар тайёрловчи Тошкент электротехника Алоқа институтининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўланмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон манфаатларининг асосий омиллари Конституцияда белгиланганидек, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари» асосида амалга оширилади», бу эса Ўзбекистонда халқ манфаатларини кўзловчи ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг пойдеворидир.

Маҳаммадали ТУРҒУНОВ,  
ҳуқуқшунос

лашиб утирганида остонада бола етаклаган аёл қуринди.

— Нафақа пулига келган эдим, бугун олсам буладими?

— Ҳозир, бир қарайчи, сизга етарли пул бормикан, — Исқандар угли Исқандар Ражабов онаси ўрнида жамоага раҳбарлик қилмоқда.

Саломат она нафақага чиққан бўлсалар ҳам кўп йиллик қадрдон ишонасига бориб туради. Шунда бундан 10—15 йил илгариги почта алоқа бўлими фаолияти билан ҳозиргисини таққослайди. Ҳа, у пайтлар иш кўп бўларди. Газета-журналлар, хат-хабарлар қоп-қоп келарди. — Обуначилар қўплигини айтмайсизми?! Улар бевосита бўлимга келиб, узлари хоҳлаган газета-журналларга ёзилардилар.

Ҳозир-чи? Обунадан гап очсангиз, терс бурилишди. Вожаб, маънавиятдан йироқлашибнинг сабаби нахотки матбуот нашрларининг баҳо-ҳақдаси?! Саломат она шу ҳақда угли Исқандар Ражабов ҳамда почтани Шодиқул Мустафоқуловлар билан суҳбат-

лашиб утирганида остонада бола етаклаган аёл қуринди. — Нафақа пулига келган эдим, бугун олсам буладими? — Ҳозир, бир қарайчи, сизга етарли пул бормикан, — Исқандар угли Исқандар Ражабов онаси ўрнида жамоага раҳбарлик қилмоқда.

Саломат она Газарак почта алоқа бўлимидаги ишлардан мамун қайтаркан, уринбосарларига шундай яхши тилак билдирди. Дарҳақиқат, халқимизда «нима эксанг шуни урасан» деган гап бор. Саломат она уттиз

йил касбини улуғлаб яшаганидан бугун хурсанд. Боиси — ишини давом эттираётган шогирдларидан қўнғил туқ. Булим аҳли туманининг Газарак, Қулоб ва бошқа қишлоқларига манзур хизмат курсатмоқда.

• Фахрийлар—фахримиз

## ЎТТИЗ ЙИЛ УЛУҒЛАБ

Уша кун Тоқчи қишлоғидан келган аёл нафақа пулини олиб, уйга шоду-хуррам ҳолда қайтди. Саломат она бу ҳолни кузатиб туриб, углининг муомала ва муносабатидан қувонди.

— Доим шундаймисизлар?

— Булмасачи она, — деди почтани Шодиқул ака, — одамларни сарсон қилмагизми. Уруш ва меҳнат фахрийларининг нафақаларини ўз вақтида уйга олиб бориб беряпмиз.

— Балли, илоҳим умрларингиздан барака топинглар.

Саломат она Газарак почта алоқа бўлимидаги ишлардан мамун қайтаркан, уринбосарларига шундай яхши тилак билдирди. Дарҳақиқат, халқимизда «нима эксанг шуни урасан» деган гап бор. Саломат она уттиз

Меҳнат фахрийси Саломат Ражабова қишлоқ йўлида кўп йил бирга ишлаб, биргаликда нафақага чиққан касбдоши Турсунбой Раҳимовни учратиб унга собиқ ишонасида бўлганлигини айтди. Турсунбой ака ҳам издошларидан хурсандлигини билдирди. Бу орада уйма-уй нафақа тарқатиб юрган почтани йигит ҳар иккаларига октябр ойидаги маошини берди. Хуллас, собиқ ҳамкасблар неваралари ҳузурига бир олам шодлик билан кириб боришди.

Н. ЗИЁЕВ,  
Сурхондарё вилояти

Тошкент радиомаркази жамоаси радиомарказ бошлиғи Баҳодир Собировга акаси

Ғиёс СОБИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Хабар» тахририяти жамоаси газетанинг тахрир ҳайъати аъзоси Мирпўлат МИРЗАЕВГА акаси **Тошпўлат МИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## ЎТА БИЛАФОН КИШИ

Чехиянинг почта бўлимида ҳар йили манзилларнинг ноаниқ ёзилгани сабабли эгаларига етиб бормаган қанчадан-қанча хатлар тўпчилиб қолади. Шундай хатларнинг ҳаммаси Трнava шаҳрига жўнатилади. У ердан ноаниқ ёзувларни ўқиб бўйича ўта биланг киши яшайди.

Баъзан уни ҳатто почта дедективи деб ҳам атайдилар. Унинг ёрдами тўғрисида хатларнинг мақбулларнинг учдан икки қисми эгаларига жўнатилади.

**ШАБРИКЛАЙМИЗ!**  
Хурматли Ержон ПИРНАЗАРОВ!  
Сизни 37 эшикнинг билан чин қўнғилдан табриқлаймиз. Алоқачиликдек шарафли касбингиз доимо Сизга қувонч келтирсин. Сизга мустахкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.  
Ҳамкасбларингиз **АБДУЯМИН, ВИТАЛИЙ, РАҲМАТУЛЛА, ДАВРОН.**

«Қариси бор уйнинг пари си бор», «Қари билгани пари билмас» мақолларининг келиб чиқиши куйидаги афсона-ривоят билан боғлиқ дейишди.

Ана уша афсонада нақл қилинишича, қадим замонда қариларни улим тоғига олиб бориб ташлаш одати булган экан. Шунда отасини жуда яхши курадиган бир йигит уни улим тоғига олиб бормай яширган...

Кунлардан бир кун подшо кема билан дарё савҳатига чиқибди. Иттифоқо кучли ғуртани бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб таш-

хар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол куйнига солиб, олиб тушибди. Инда гавҳар борлигини шу юртнинг эгалари булмиш парилар ҳам билмас эканлар... Подшо йигитдан: «Буни қандай қилиб билдинг?» деб сўрабди. Йигит отаси ургатганини айтишга мажбур булди. Шунда подшо уша чолнигина тирик олиб қолмай, умуман қарияларни улдириш туғрисидаги фармонини бекор қилган экан.

Дарҳақиқат, бебаҳо, бекиёс, бокий қадриятлардан ҳисобланмиш халқ донишмандлигининг чеки-чегараси йўқ. Машҳур «Қобуснома» муаллифи Кайковус

дан хўллаб-хўллаб туйхонани синчковлик билан кузатмоқда. Олдига одамлар тинимсиз келиб турибди. Тўйда кутилмаган муаммолар кўп. Айтилик, ошга мулжалланган қозон кичлик қилиб қолади. Янгисини зудлик билан топиш лозим. Ёки фалончи (нозик одам эди) тўйга айтилмай қолибди — нима қилиш керак?.. Бобом вазминлик билан, ҳовликмаларни хотиржам қилиб, маслаҳат, йул-йуриқлар беради. У ҳовлининг бир четида терлаб-пишиб утин ёраётган Полвон лақабли йигитни ҳам назаридан қочирмайди. Бойқиш-

## ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИ БЕБАҲО МЕРОС

лабди. Подшо ва унинг хизматкор йигитлари қирғоққа тушибди. Бу ер парилар юрти экан. Улар атрофни айланиб юриб, дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол йигитларга шу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар биринкетин сув остига шунгиб, гавҳарни тополмай, қуруқ қайтиб чиқверишибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, бошқаларни туширса, улар ҳам тополмай чиқибди. Бу сирли гавҳарга қизиқиб қолган подшо: «Бу гавҳарни кимда ким топиб чиқса, унга катта бойлик инъом қиламан. Топа олмай чиққанларни улимга маҳкум қиламан!» деб шарт қуйибди. Навбат халиги отасини аширган йигитга келибди. У: «Оҳ, энди куним битди» деб, отасининг олдига кириб, видолаша бошлади. Шунда отаси: «Дарёга тушмасдан бурун тепани бир қарагин. Ҳеч вақтда гавҳар дарёнинг ичида булмайди. Қирғоқдаги дарахт шохиди бир кунинг ини булса керагу, гавҳар уша инда булса керак. Шунинг шуъласи дарёга тушиб турганди. Уша дарахтга чиқиб кидир» деб маслаҳат берибди. Йигит отаси айтгандек қилиб, дарахтнинг дарёга эгилган шохига эҳтиёткорлик билан чиқиб борибди. Қараса, ҳақиқатдан ҳам пастга энгашган бир инда гав-

шундай ёзади: «Эй фарзанд, умдимд шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. (Бу билан) мен оталик вазифасин бажо келтирган булурман. Билгилки, халқнинг расми-одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб, дунёдан бирон нарса ҳосил қиладилар ва (бу толган) нарсаларини уларнинг яхши қурган кишига қолдириб кетадилар». Кайковус тилга олган «бирон нарса», шубҳасиз, боболардан келгуси авлодга мерос бўлиб қолгучи, шарқда юксак қадрланган халқ донишмандлигидир. Шунинг учун ҳам биз утиб кетган ота-боболаримизнинг хотирасини кунгилда ажиб бир шукроналик билан эъзозлаймиз.

Эсимда, раҳматли Отабой бобом (оллоҳ уз раҳматига олган бўлсин) қишлоқда катта обрўзэтибор қозонган одам эди. Кўни-кўшиллар, маҳалла аҳли ҳар бир катта-кичик масалада бобом билан маслаҳатлашиб иш тутарди. Бобом гарчи узоқ йиллар оғир хасталиқдан азоб чекиб, кучага чиқолмай қолган булса-да, ҳар бир хонадоннинг туриштурмушини яхши хабардор эдилар. Шундай бир манзара сира кўз олдидан кетмайди.

Мана, катта ҳовлида тўй бўляпти. Хизматчиларнинг (тўйда хизмат қилишни ҳар бир қишлоқ аҳли юксак бурч ва шараф деб билади) қўли-қўлига тегмайди. Улкан ўрик остидаги баланд сурида ёнбошлаб ётган бобом, олдидидаги аччиқ кук чой-

нинг қўйналиб кетганини сезиб, аста уридан туради ва олдига боради. Ҳассасининг учи билан тунканинг қаерига урса осон ёрилишини курсатиб туради. Полвон болтаси билан ҳаш-паш дегунча тўнкаларни кўпориб ташлайди. «Мана энди бемалол сен ҳам хотин олсанг (йигитларнинг етилганлигини синаш учун утин ёрдириб қуришган) булаверади!» дея бобом ҳазиллашиб қўяди.

Бобом яна сурига — юксаликка чиқиб, тўйни бошқаришда давом этади. Унинг шу ҳолати, агар таъбир жоиз булса, тепалиқдан туриб жангга раҳбарлик қилаётган моҳир лашкарбошини эслатарди. Катта-ю-кичик бобомнинг ҳар бир амрини вожиб деб билар, унга сузсиз итоат қилишар эди. Бобом бош қўшган тўй-тўқинлар, издиҳомлар, шубҳасиз, файзли, бекаму-куст утар, одамларнинг эсида қолар эди.

Ҳар гал юқоридаги каби ёруғ хотиралар ҳаёлимда жонланаркан. «Қарида хислат кўп», «Ақлли қария — оқиб турган дарё», «Отанг ургатса, доно буласан», «Қарияли уйда қўй ҳам омон, бури ҳам тўк», «Сен сийласанг қарини, Тангри сийлар барини», «Кексалик — донишмандлик» каби пурмаъно ҳикматлар бежиз яратилмаган экан-да деб уйлайман.

Шодмон ОТАБЕК

## • Мерос

Фахриддин Али САҒИЙ

## АДОЛАТ ВА РАИЯТ

Бир куни Кисро Анушервонга: «Раиятингдан фалон хожа шу қадар бойиб кетдики, сенинг хазинангда у бойликнинг бир қисми ҳам йўқ» деб эзиб юбордилар.

Кисро жавоб эвди:

«Алҳамдулиллоҳки, бизнинг адолатимиз тўфайли раиятимиз биздан ҳам бойроқ бўлибдилар».

Шундан сунг хат ёзган гийбатчиларни жазолашга фармон берди.

## ЖАНГОВАР ҲИКМАТ

Ҳабаш подшоҳи Яманнинг ҳокими булган Сайфи Зилзани вазифасидан четлатгач, у Анушервондан мадад сўрайди. Анушервон унга уч минг нафар йигит қўшиб беради. Шунда Сайфи Зилзан дейди:

— Эй, Кисро, уч минг йигит эллик минг йигитга қарши нима ҳам қила оларди?

Кисро дейди:

— Утин қанчалик кўп булмасин, уни қулга айлантириш учун озгина олов қиёя.



Бухоро. Болои ҳовуз масжидининг минораси.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## МАШҲУР ҚИШИЛАР ҲАЁТИДАН

### ҲАМКАСБ

Айтишларича, унчалик истеъдодли булмаган бир физик Эйнштейнни ўз ҳамкасбим деб атаган.

— Ростданми, — дейди Эйнштейн ҳайратланиб, — сиз билан ҳамкасбимизми. Нима, сиз ҳам ревматизмдан азоб чекасизми?

### АСТА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЗАҲАР

Врач машҳур француз ёзувчиси Фонтенелли қаҳва ичмасликка, бу унинг учун заҳар эканлигига ишонтирмақчи бўлди.

— Узим ҳам шундай деб ўйлайман, — врачнинг фикрини маъқуллайди ёзувчи. — Лекин у жудаям секин таъсир қилувчи заҳар, чунки уни саксон йил-

дан бери ичман...

Фонтенель юз ёшгача умр кўрди.

### ҚОБИЛЯТЛИ БЕМОР

Таниқли рус педиатри Нил Фёдорович Филатов бир бемор боланинг ёнида доналари тикиб қўйилган шахмат тахтасини кўриб қолди ва уни бир кўр шахмат ўйнашга таклиф қилди. Бир неча дақиқадан сўнғ врач мот бўлди.

Шундан сўнғ Нил Фёдорович ҳар гал болани кўргани қирғанда у билан шахмат ўйнар ва доимо унга ютқазарди.

Бу қобилиятли бемор бола кейинчалик машҳур шахматчи бўлиб етишган А. А. Алёхин эди.

Дунёда энг катта китоб иборат булган. «Сутра» 868 Бериин шаҳрида Германия йили ёшоч босма-усулида давлат кутубхонасида сақланади. Унинг оғирлиги 120 килограмм, ҳажми 170х110 сантиметр. У

1661 йили нашр этилган.

Дунёда биринчи босма китоб ҳиндчадан хитой тилига таржима қилинган «Олмос сутра»дир. («Сутра» — муқаддас китоб демақдир).

Китоб бор-йўғи етти саҳифадан (олти бети материал ва бир бети расм)

босилган.

Батумилик Назико Чиджавадзе «Евгений Онегин» романининг жуда нодир нусхасини сақлаб турибди. Улуғ шоир Александр Пушкиннинг XX аср бошида Петербургда нашр қилинган бу китоби гуғурт қўтисидай келади. Аммо уни оддий кўз билан бемалол ўқиса бўлади.

А. АЛИЕВ тайёрлади

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲРАБОЕВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўриной АХМЕДОВ  
ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлкин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Ташкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0854. 8954 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

